

Нодиржон Абдулахатов,
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон халқаро
ислом академияси докторанти

ЗАКИЙ ВАЛИДИЙ ВА МАРҒИЛОН МАДАНИЙ МУҲИТИ

Марғилон асрлар давомида ижод аҳлига бой бўлиб, ўз истеъдодларини нодир асарлари орқали намоён эта олган кўплаб адибларни етиштириб берган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Марғилон адабий муҳити худди Қўқон адабий муҳити сингари ўзбек адабиёти тарихи ва Ўзбекистон тарихига оид барча асарларда маълум даражада ўрин тутади.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида фаолият олиб борган маърифатпарварлардан Муҳаммад Юсуфхон Ҳазин Марғиновий, Мирҳайдар Толий, Мирхалил Бухорий, Мулла Абдурахмон, Абдуллахон махдум, Бек домла, Мулла Муҳиддин, Мулла Муҳаммаджон Холмуҳаммад қори сингари Марғилон зиёлилари Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати туфайли маънавий соҳада юзага келган салбий ўзгаришларга қарши ўз чиқишларида миллий ўзликни англаш, ватанпарварликнинг шаклланишига, ўз юртидан ғурурланиш туйғусининг ўсишига, бой миллий маданий, тарихий анъаналар ва халқнинг интеллектуал меросини ҳурмат қилишга ундаб келдилар. Масалан, Хожа Марғиновий таҳаллуси билан ижод этган Иброҳимхожа Муҳаммадшоҳхўжа ўғлининг маърифатпарварлик фаолиятини олайлик. У нодир қўлёзма китобларни йиғиш билан шуғулланиб, ўз уйида оилавий кутубхона ташкил этган. Бу билан боғлиқ маълумотларни машҳур шарқшунос олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг (1890–1970) Фарғона водийсига қилган илмий сафарлари чоғида тўпланган маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, Закий Валидийнинг Туркистонга биринчи илмий сафари 1913–1914 йилларга тўғри келади. Сафар чоғида бўлғуси олим Туркистоннинг йирик шаҳарларида бўлиб, қадимий қўлёзмалар билан танишади, эт-

нографик маълумотлар тўплайди: “Бу саёҳатим давомида мен Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қўлёзма асарларни, шахсий кишилар қўлларида бўлган манбаларни изладим. Мамлакат хўжалиги, тарихи, жуғрофиясига оид бир талай диний гуруҳларнинг киримлари ёзилган ҳужжатларни, мол ҳақларининг ўзгаришини кўрсатувчи маълумотларни ҳам йиғдим. Фарғонада кўчманчи ўзбеклар тўғрисида этнографик маълумотлар тўпладим”.

Закий Валидий Марғилон шаҳридаги олиб борган тадқиқотлари чоғида шаҳарнинг кўҳна зиёратгоҳлари билан боғлиқ вақфномаларга эътиборини қаратади. У тадқиқ этган ҳужжатларда Марғилондаги Пур Сиддик, Подшоҳ Искандар мазорлари нафақат Қўқон хонлари даврида, балки аштархонийлар ҳукмронлиги даврида, хусусан Бухоро хони Субхонқулихон (1680–1702) замонида ҳам вақф ерлари ажратилганлиги қайд этилган. Шунингдек, Закий Валидийга кўра марғилонлик саййидлар авлодига мансуб Саййид Шоҳ Қосим тўра 1681 йилдан 1688 йилга қадар Бухоро хонлари томонидан пайғамбар хонадонининг авлоди сифатида турли иноятнома ва ёрликлар билан тақдирланган бўлса, унинг ўғли Шоҳ Абу Бакрдан тортиб, Шоҳ Али Аскар, Охунд Шоҳ сингари авлодлари Қўқон ҳукмдорлари томонидан турли иноятномаларга сазовор бўлганлар.

Закий Валидий 1915 йилда Петроградда чоп этилган “Фарғона вилоятидаги шарқ қўлёзмалари” номли мақоласида Марғилон шаҳридаги нодир қўлёзмалар билан, жумладан, Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғлининг шахсий кутубхонаси билан танишади. Маълумотларга кўра, Иброҳимхўжа кутубхонаси турли мавзулардаги китобларга бой бўлиб, кўплаб тарихчи ва адабиётшунос

олимлар, шоирлар ва адиблар бу кутубхонага ташриф буюрганлар. Шу сабабдан Закий Валидий марғилонлик маърифатпарвар муаллимлардан Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа кутубхонасига доир қизиқарли маълумотларни келтиради:

“Эски Марғилонда қуйидаги қўлёмаларни кўздан кечирдим. Иброҳимхожа Муҳаммадшоҳхўжаевда:

1. Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” асари. 1060/1620 йил.

2. Фарғоналик шоир Асир Ахсикентийнинг шеърий асари. 1017/1608/9.

3. Мирзо Муҳаммад Қосим ал-Ҳусайнийнинг “Шоҳномаи Исмоил Сафавий” асари.

4. “Мажмуаи ашъор Убайдуллоҳхон Шайбоний”. Сарой шоирларининг форсийда битилган шеърий девони. Қадимий қўлёмза. Чиройли шикаста ёзувида кўчирилган. 414 варақдан иборат. Хоннинг ўзининг шеърлари ҳам мавжуд.

5. Девон Амир Ҳусайн ва Хусрав Дехлавий ва Мавлоно Хўжа Исматуллоҳ Бухорий. Қўлёмза. 833 ҳижрийда кўчирилган. Ҳиндистон ҳукмдори Аврангзеб кутубхонасидан. Қўлёмзада ҳинд ҳукмдори Аврангзебнинг шахсий муҳри туширилган.

6. Алишер Навоий қуллиёти. Бухоро амири Насруллоҳнинг вазири Муҳаммад Ҳакимбек учун Абдуғаффор исмли хаттот томонидан кўчирилган.

7. Девон Ҳусайн Бойқаро. Шоҳ ва шоир Султон Ҳусайн Бойқаронинг шеърлар девони. Ҳусайн Бойқаронинг шеърият билан шуғулланиб, шеърлар ёзганлиги тўғрисида унинг яқин дўсти Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида хабар берган”.

Шу ўринда Иброҳимхўжа тўғрисида. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Марғилондаги муаллимлик фаолияти давомида Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғлига устозлик қилганлиги шоир архивининг каталогидан ўрин олган ҳужжатларда қайд этилган. Масалан, 1915 йилнинг 17 август куни эски ўзбек ёзувида 13X19,5 см. ҳажмдаги майда чизиқли бир варақ дафтар қоғозига қора сиёҳда ёзилган ҳужжатда Ҳамза Ҳакимзоданинг Марғилон шаҳрида «Усули савтия»да муаллимлик курсида ўқитган шогирдлари, жумладан Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғли ҳақидаги маълумотлари келтириб ўтилган:

“1915-нчи м. 17 августдан бошлаб, муаллим(лик) курсида ўқувчилар:

Бу число ичинда кўришдигимиз нуфузи ўрта ёш миллатпарварлар: Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғли — Косагиронда”. Маълумотларга кўра, Марғилон шаҳрининг Қудингар маҳалласидаги «Аҳмадия» деб номланган янги усул мактабини очишда Иброҳимхўжа бошчилик қилган.

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азийий» асарида келтирилишича, Иброҳимхўжанинг отаси соҳибдавлат ва соҳибзовут, Марғилондаги ҳаммом, соҳиб ускуна ва марғилонлик Мулло Муҳаммадшоҳхўжа Саййид Мусохўжа ўғлидур.

Афсуски, бу маълумот Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғлининг фаолиятини ёритишда етарли эмас. Шу сабабдан Иброҳимхўжа авлодлари ва қариндош-уруғларидан ёзиб олган айрим хотираларга мурожаат қилмоқчимиз. Бу борада Маҳмудхон Қосимов шундай ёзган эди:

«Бобомиз Иброҳимхўжа хўжалик юритиш билан ҳам шуғулланганлар. Оталари Муҳаммадшоҳхўжадан мерос бўлиб қолган пахта тозалаш заводларини янада ривожлантириб борган. Бу заводлардан бири ҳозирги Марғилон шаҳридаги истироҳат боғининг ғарбий томонида жойлашган бўлиб, ўша даврлардаги энг йирик заводлардан бири экан. Шу заводнинг ёнида икки тошли тегирмонлари бўлиб, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатган.

Марғилон ва Фарғона бозорларида бир нечта савдо расталари бўлиб, уларда савдо-сотиқ ишлари юритилган. Марғилон шаҳрининг ҳозирги 2-мактаб ўрнида бобомиз Иброҳимхўжанинг катта боғлари жойлашган эди. Шоҳимардонда, Ёзёвонда, Арсифда деҳқончилик қилинадиган ерлари ҳам мавжуд бўлган. Халқнинг саводхонлигини оширишда ўша йилларда чоп этилган «Устои аввал» дарслигининг афзаллигини, янгича усулда ўқитиладиган мактабларнинг ташкил этилишини қизгин қўллаб-қувватлаганлар. Шу мактабда биринчилардан бўлиб ўзлари ҳам ўқиганлар.

Онамиз Муҳаррамхон ўша даврларни ёдга олар экан, бизларга қуйидагиларни сўзлаб берган эдилар: «Биз қизлар дадамизга мурожаат этиб: «Дада паранжи ёпинмай сизнинг олдингизда гуноҳкор бўлиб қолдик», деб айтган чоғимиз бизга шундай жавоб қайтарган эди:

«Қизим, паранжи замонанинг тараққиёти натижасида кашф қилинган. Энди давр шу кашфийётни инкор қилмоқда. Гап паранжида эмас, балки инсон қалбидадир. Аввало инсон қалби пок бўлиши керак».

Маълумки, XX аср бошларида юртимизга театр санъати кириб кела бошлайди. Иброҳимхўжанинг дўстларидан бўлган Комил қорининг айтишича, театр санъатининг афзаллигини халқ ўртасида тарғиб қилишда бобомиз ҳам кўп саъй-ҳаракатлар қилган экан.

Большевикларнинг 1917 йилдаги октябрь тўнтаришидан сўнг юзага келган таҳликали замонда бобомиз Иброҳимхўжага кўпчилик хорижга кетишни маслаҳат берган экан. Айниса, кадрдон онахонлари – Майсара она қайта-қайта «вақтинчаликка бўлса ҳам тинчроқ юртларга бориб турунг», деб айтганларида: «Йўқ онажон! Мен муштипар қизларни ташлаб, ўз ҳузуримни ўйлаб кетсам, охиратим нима бўлади?!», деб жавоб бериб, хорижга кетишдан бош тортган эканлар».

Иброҳимхўжа авлодларининг хотирлашларича, Саййид Муҳаммадшоҳхўжа қатор пахта заводларига, тегирмонларга, ҳаммомларга, Аввал, Тошлоқ ҳамда Қувадаги катта-катта ерларга эгалик қилган. Саййид Муҳаммадшоҳхўжа Россия, Қашқар, Туркия, Германия каби давлатлардаги савдогарлар билан савдо-сотикни йўлга қўйган сармоядор бўлиб, унинг ўғли Иброҳимхўжа ёшлигидан зукко, одобли бўлиб вояга етган.

Иброҳимхўжанинг фарзанди Абдураззоқхўжанинг хотираларига қараганда, Иброҳимхўжа дастлабки илмни Марғилондаги мадрасаларда, кейинчалик Қўқондаги мадрасада, сўнгра уч йилдан зиёд Бухоронинг Мир Араб мадрасасида таълим олган. Айнан Бухородаги талабалик йилларида атоқли адиб Садриддин Айний билан танишади.

С. Жабборов бу ҳақда қуйидагиларни ёдга олади: «Онамиз Соҳибахоннинг айтишларига қараганда, бобомиз Иброҳимхўжа укалари, сингилларига ўта меҳрибон бўлган эканлар. Иброҳимхўжа бобомизнинг олдиларига суҳбатлашиш учун ўша даврнинг машҳур ижодкор шоирларидан Завқий, Муҳаййир, Усмонхўжа Қорий, Ибрат, Тошхўжа Асирий, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Жалол Машрабий, санъаткорлардан Юсуф қизик, Мадали хофиз, Жўра-

хон Султонов, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубовлар келиб турганликларини эшитганмиз. Иброҳимхўжа хонадонидан тез-тез ғазалхонлик кечалари, базмлар уюштирилган экан.

Иброҳимхўжа форс, араб, рус, турк, немис тилларини мукаммал билган эканлар. Асосан, араб, форс тилларида ғазаллар битиб, қатор девонлар яратганлар. Буюк мутафаккирлар Алишер Навоий, Ғузулий, Бедил, Низомий Ганжавийнинг қўлёзма асарларини қунт билан ўрганиб борган. Бобомизнинг кутубхоналарида Саъдий Шерозийнинг «Ғулистон ва бўстон» асари, Навоийнинг XIX асрда кўчирилган «Хамса» асари, Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асари ва бошқа қатор қўлёзма ва тошбосма асарлари сақланиб қолган».

Афсуски, Закий Валидий кўздан кечирган кутубхона соҳиби Иброҳимхўжа – Хожа Марғиновичнинг 1937 йили қатағон этилиши туфайли унинг оилавий кутубхонасидаги нодир китобларнинг кўп қисми йўқолиб кетган. Фақат айрим қўлёзмаларнигина қариндош-уруғлар мустабид тузум давридан не-не ҳадиклар билан яшириб сақлаб қолишнинг имконини топганлар, холос. Бу ҳақда Хожа Марғиновичнинг келини Матлубахон ая шундай хотиралайди: «Иброҳимхўжа эшон – Хожа Марғинович китобларини худди фарзандлари сингари ардоқлар эди. Охири бор кўрганимизда у киши уйдан кетаётиб қариндош-уруғлари билан хайрлашар экан, китобларни болаларингизни авайлагандек асранглар», деб айтган эди. Шу сабабдан Иброҳимхўжа фарзандлари китобларини имкон қадар кўзқорачигидек авайлаб келдилар».

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марғилон зиёлиларининг илм-маърифат тарқатиш йўлидаги жонқуярликлари билан танишиш ҳозирги замон ёшларига завқ беради. Уларнинг аждодлар йўлига содиқлик, ўзаро муносабатларда қўлланган юксак ахлоқий меъёрларнинг ноёблиги ёшларни бефарқ қолдирмайди, албатта. Зеро, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида фаолият олиб борган Марғилон зиёлиларида мужассамлашган ибратли жиҳатларнинг кўплиги ҳозирги ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш баробарида уларнинг китобхонлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.